



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **20** yil « **11** » **август**

№ **473**

Toshkent sh.

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик, она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4609-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тизимида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи (кейинги ўринларда – лицей) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

2. Куйидагилар лицейнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий қадриятларига, унинг маданияти ва урф-одатларини чукур ҳурмат қилиш, уларда ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари шахсий хислатларини, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш;

халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, энг аввало, Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўзини қурбон қилган замондош ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида Ўзбекистон халқига содик, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш;

ўқувчиларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича мустаҳкам билимларни шакллантириш, шунингдек, уларга ҳарбий ишдаги бошланғич билимларни сингдириш;

нотиқлик ва етакчилик хислатларига эга, жисмонан ривожланган, чидамли, мард ва жасур Ватан химоячиларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида республиканинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириши учун муносиб номзодларни тайёрлаш.

3. Белгилансинки:

лицей Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати муассислигидаги давлат таълим муассасаси ҳисобланади;

лицеяга қабул ва ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланади;

лицеяда ўқув жараёни давомийлиги икки йил бўлиб, йиллик қабул квотаси 100 нафарни ташкил этади;

лицей Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар Академиясига биритирилади.

4. Қуйидагилар:

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейининг ташкилий-штат тузилмаси 1-иловага;

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи тўғрисидаги низом 2-иловага;

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи фаолиятини ташкил қилиш ва унинг ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага;

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейининг инфратузилмаси, ўқув ва моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги лицейининг ўқитувчи, ишчи ва хизматчилари лавозимлари учун лозим бўлган штат бирликларини ажратсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, хорижий мамлакатларнинг кредитлари ва халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

лицей ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш ҳамда лицей битирувчиларига бериладиган имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон қарорида белгиланган тартиб ва шартлар асосида амалга оширилади.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “II” августдаги 473 -сон қарорига
1-илова

**“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: *) фуқаро ходимлар эгаллаши мумкин бўлган лавозим;

**) ўкув юкламасидан келиб чиққан ҳолда сони ўзгартирилиши мумкин;

***) иши юкламасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан
келишилган ҳолда сони ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июнданги ПҚ-4375-сон
қарорида “Ёшлар етакчиси” лавозими инобатга олинмаганлиги сабабли ушибу лавозим
вазифасини Директорнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича биринчи
ўринbosари зиммасига юкламилиши назарда тутилган.

Қавсда қуидагилар кўрсатилган: 1-рақам - ШАҲҲ офицерлар таркиби; 2-рақам -
ШАҲҲ сержантлар таркиби; 3-рақам - ўкувчилар; 4-рақам - ишчи ва хизматчилар.

Шахсий таркиб сони				
Жами	Офицерлар	Сержантлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчилар	Ўкувчилар	Ишчи ва хизматчилар (ўқитувчилар)
300	3	13	200	84 (32)

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “**II**” августдаги **473** -сон қарорига
2-илова

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низом “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейининг (кейинги ўринларда – лицей) мақоми, мақсади ва асосий вазифалари, фаолиятини ташкил этиш, ўқувчиларни саралаш, қабул қилиш ва четлатиш тартибини белгилайди.

2. Лицей давлат таълим муассасаси ҳисобланади ва банкларда ҳисобварафи ва бошқа ҳисоблар, белгиланган намунадаги муҳр, штамп, ўз номи туширилган бланкаларига эга бўлади.

3. Лицей ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, мазкур Низом, бошқа қонун хужжатлари, шунингдек, ўз Уставига мувофиқ амалга оширади.

4. Лицейда ўқув-тарбия жараёни ўқувчиларни ҳарбий-касбий йўналтириш ва келгусида уларни республиканинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш назарда тутилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Лицейда ўқиш муддати икки йил бўлиб, қабул квотаси 100 нафарни ташкил этади.

5. Лицейга умумий раҳбарлик қилиш, унинг фаолиятини молиялаштириш, моддий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

6. Лицейнинг ўқувчилар кийим-бош намуналари ва кийиниш тартиби, уларнинг суткалик озиқ-овқат паёги нормалари Давлат хавфсизлик хизмати томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

2-боб. Лицейнинг мақсади ва асосий вазифалари

7. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигини, чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун масъулият ҳиссини ошириш, шунингдек, уларнинг хуқуқий билим ва маданиятини, Ўзбекистон Республикасига содик, фидойи фуқароларни аниқ мақсадли ва тизимли тайёрлаш самарадорлигини такомиллаштириш лицей фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

8. Куйидагилар лицейнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларда ҳалқимизнинг маънавий-маърифий қадриятларига, унинг маданияти ва урф-одатларига чуқур ҳурматни, уларда ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари шахсий хислатларини, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш;

халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, энг аввало Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўзини қурбон қилган замондош ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида Ўзбекистон халқига содик, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш;

ўқувчиларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича мустаҳкам билимларни шакллантириш, шунингдек, уларга ҳарбий ишдаги бошланғич билимларни сингдириш;

нотиқлик ва етакчилик хислатларига эга, жисмонан ривожланган, чидамли, мард ва жасур Ватан ҳимоячиларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида республиканинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишига кириши учун муносиб номзодларни тайёрлаш.

3-боб. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш

9. Лицейда ўкув жараёни Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари асосида ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўкув режалари ва дастурларига мувофиқ ташкил қилинади.

10. Лицейда таълим давлат, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

11. Тиббий ва педагогик асосларга асосланган таълим, меҳнат, дам олиш ва турли тадбирлар уйғунлигини таъминловчи кун тартиби ўқувчилар кечаю-кундуз лицейда бўлишини ҳисобга олиб тузилади ва илмий-педагогик кенгаш қарори билан тасдиқланади.

12. Лицей раҳбар ходимларининг ваколатлари ва функционал вазифалари, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари лицейнинг устави билан белгиланади.

13. Биринчи курсда ўкув йили якунланганидан сўнг якуний назорат натижалари асосида лицей ўқувчиларини кейинги курсга ўтказиш тўғрисида директорнинг буйруғи чикарилади.

14. Халқаро ва республика фан олимпиадаларида 1–3-ўринларни эгаллаган лицей ўқувчилари ҳамда уларнинг ўқитувчилари республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар мактабларининг ўқувчиларини ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантиришни (мукофотлашни) тартибга солувчи норматив-ҳукуқий хужжатлар асосида рағбатлантирилади (мукофотланади).

4-боб. Лицейга ўқувчиларни саралаш тартиби

15. Лицейга умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаб-интернат мактабларининг (кейинги ўринларда – умумтаълим мактаблари) 9-синфини тамомлаганлик тўғрисидаги шаҳодатномага эга, соғлигининг ҳолатига кўра ўқишига яроқли деб топилган ҳамда ҳаққоний ва шаффофлик тамойилларига

асосланган саралаш танловидан муваффақиятли ўтган, Ўзбекистон Республикасининг эркак жинсли фуқаролари ўқишига қабул қилинади.

16. Саралаш танлови дастлабки танлаш, ҳарбий-касбий танлов ва тест синовларидан иборат.

Саралаш танловини ўтказиш муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) билан келишилган ҳолда белгиланади.

17. Номзодларнинг шахсий йигмажилдлари билан ишлаш, ташкилий ишларни бажариш, зарур материал ва ҳисоботларни тайёрлаш учун лицейда қабул комиссияси тузилади, унинг таркиби ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

Қабул комиссияси ўз фаолиятини лицейнинг устави асосида амалга оширади.

18. Ҳарбий-касбий танлов тадбирларини ўтказиш учун ҳарбий округларда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқарма, бўлим/бўлинма ёки қисмларининг вакилларидан иборат тегишли ҳарбий округ қўмондени раислигида маҳсус идоралараро комиссия (кейинги ўринларда – идоралараро комиссия) тузилади.

Идоралараро комиссиянинг таркиби ҳар йили ҳарбий округ қўмондени раислигида ўтказиладиган маҳсус идоралараро комиссия йиғилишининг баёни билан тасдиқланади.

Идоралараро комиссиянинг ишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги кўшма қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишади.

19. Дастлабки танловни ўтказишдан асосий мақсад номзодларнинг кейинчалик олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишига кириши, давлат хизматчиси бўлиш истагида бўлган шахсларга соғлиғи, шахсий-психологик сифатлари, жисмоний тайёргарлиги бўйича қўйиладиган талабларга мувофиқлигини, шунингдек, юқори интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга номзодларни аниқлаш ҳисобланади.

20. Куйидагилар дастлабки танловнинг асосий тадбирлари ҳисобланади:

номзодга тегишли хужжатларни ва уни тавсифловчи маълумотларни тўплаш;

номзод тўғрисидаги турли маълумотларни (оилавий аҳволи, ота-онаси ва яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати ва бошқалар), номзоднинг лицейга ўқишига киришни танлашига асослари ва сабабларини аниқлаш;

умумтаълим фанлари бўйича ўзлаштириши, соғлиғи ва жисмоний тайёргарлик ҳолатини ҳар томонлама ва холисона баҳолаш;

номзодларнинг шахсий-психологик хусусиятларини ўрганиш.

21. Номзодлар учун дастлабки танлов лицейга ўқишига кириш истагини билдирган номзодларнинг аризалари асосида яшаш жойи бўйича туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларда ўтказилади.

22. Қуидагилар лицейга кириш учун рад жавобининг берилишига асос берлади:

номзоднинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси эмаслиги;

номзодга нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги, дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказилаётганлиги, жиноят иши судда кўриб чиқилаётганлиги;

жазо чораси туридан ёки амнистия қарори қўлланилганлигидан қатъий назар, содир этилган жиноят учун айлов ҳукми чиқарилганлиги;

яшаш жойидан ва ички ишлар органларидан салбий тавсияномалар мавжудлиги.

23. Номзодлар томонидан туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларга тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати лицей устави билан белгиланади.

24. Номзодларнинг биринчи тиббий текшируви туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари хузуридаги худудий тиббий комиссия томонидан ўтказилади. Бунда номзодларга қўйилган антропометрик маълумотлар Давлат хавфсизлик хизмати томонидан мустақил белгиланади.

Номзоднинг тиббий текширув натижаларига асосланган соғлигининг ҳолатига кўра ўқишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

25. Соғлигининг ҳолатига кўра, ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар ҳарбий-касбий танловга қўйилмайди.

26. Дастлабки танлов натижалари бўйича лицейга ўқишга кириш учун тавсия қилинган номзодларнинг шахсий йифмажиллари туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимлари томонидан тегишли мудофаа ишлари бошқармалари топширилади.

27. Ҳарбий-касбий танловнинг бош мақсади ўзининг психофизиологик хусусиятлари ва соғлигининг ҳолати бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган, етакчилик сифатларига, ички ишончга, мустаҳкам маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳиятга эга, келгусида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг муносиб ҳарбий хизматчи ва ходимлари ҳамда давлат хизматчилари бўла оладиган номзодларни аниқлашдир.

28. Ҳарбий-касбий танловнинг асосий тадбирлари қуидагилардан иборат:

тақдим қилинган номзодга тегишли хужжатлар ва уни тавсифловчи маълумотларни ўрганиш;

номзодларни якуний тиббий текширувдан ўтказиш;

номзоднинг саводхонлик даражасини (орфография ва пунктуация) баҳолаш;

номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;

номзод билан якка тартибда якуний суҳбат ўтказиш ва номзодларни тест синовларига қўйиш тўғрисида якуний қарор қабул қилиш.

29. Ҳарбий-касбий танлов номзоднинг яшаш жойи бўйича Мудофаа ишлари бошқармасида ўтказилади.

30. Номзодлар якуний тиббий текширувдан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг

қўшма буйруғи билан тасдиқланадиган тиббий мутахассислардан иборат таркибдаги ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан ўтказилади.

31. Якуний тиббий текширув натижаларига асосланган соғлиғининг ҳолатига кўра номзоднинг лицейда ўқишга яроқлилиги ҳолати тўғрисида қарор чиқарилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар саралашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

32. Номзодларнинг саводхонлик даражасини (орфография ва пунктуация) баҳолаш диктант ёздириш йўли билан аниқланади.

Диктант ўтказиш тартиби ва уни баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Диктант натижасида қониқарсиз баҳо олган номзодлар саралашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

33. Номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда психофизиологик тестлар ўтказиш орқали ҳарбий округлар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Психофизиологик тестларни ўтказиш тартиби ва психофизиологик тестлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижалари якка тартибдаги якуний сухбат давомида қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

34. Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижаларига кўра қўйидаги хуносалар чиқарилади:

ўқишга кириш учун тавсия этилади;

ўқишга кириш учун тавсия этилмайди.

Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижалари бўйича ўта олмаган ҳамда ўқишга кириш учун тавсия этилмаган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

35. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси тегишли Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан аниқланади.

Жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича талабларга жавоб бермайдиган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

36. Якка тартибдаги якуний сухбат идоралараро комиссияси томонидан номзоднинг етакчилик сифатлари, мантикий фикрлаш даражаси, саводхонлиги, ақлий қобилиятлари ҳамда бошқа ҳарбий хизматчи ва давлат хизмати ходими учун муҳим қасбий сифатларини аниқлаш мақсадида психофизиологик хусусиятларини ўрганиш ва диктант натижалари асосида тегишли Мудофаа ишлари бошқармасида ўтказилади.

37. Якка тартибдаги якуний сухбат натижаларига кўра номзодни Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш тўғрисида якуний қарор қабул қилинади.

38. Якка тартибдаги якуний сухбатдан ўта олмаган номзодларнинг шахсий йиғмажиллари (бошқа хужжатлари билан биргаликда) далолатнома

асосида номзоднинг яшаш жойи бўйича туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юборилади.

39. Мудофаа ишлари бошқармалари томонидан расмийлаштирилган номзодларнинг шахсий йифмажиллари Мудофаа ишлари бошқармаси орқали лицейнинг қабул комиссиясига юборилади.

Лицей қабул комиссиясига номзодларнинг шахсий йифмажилларини ушбу мақсадлар учун ваколатга эга бўлмаган бошқа шахслар орқали топшириш қатъиян ман этилади.

40. Тест синовларига рухсат этилган номзодларга Мудофаа ишлари бошқармалари томонидан маълумотнома берилади. Маълумотнома ўрта умумтаълим мактабидан умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномани олиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

41. Шахсий йифмажилларини ўрганиш натижаларига кўра тест синовларига рухсат этилган номзодларнинг рўйхатларини Мудофаа ишлари бошқармаларигача етказиш учун лицейнинг қабул комиссияси масъул ҳисобланади.

42. Номзодларнинг тест синовларида иштирок этиш учун ўз вақтида лицейга етиб келиши учун жавобгарлик Мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқларига юклатилиади.

43. Лицейга келиб-кетиш, тест синовларига тайёрланиш ва топшириш даврида жойлашиш ҳамда овқатланиш билан боғлиқ харажатлар номзодларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қопланади.

44. Тест синовлари Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

45. Тест синовлари ўтказиладиган умумтаълим фанлари блоки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Номзодлар тест синовларини ўз ихтиёрига кўра уч тилдан – ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан бирида топширадилар.

46. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган тест синовларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси белгилаган муддатларда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига ҳамда лицей қабул комиссиясига тақдим этилади.

47. Тест синовларига белгиланган муддатда келмаган номзодлар учун такорий тест синовлари ўтказилмайди.

48. Лицейга қабул қилинмаган (сарапалашдан ўтмаган) номзодларнинг шахсий йифмажиллари (бошқа хужжатлари билан биргаликда) далолатнома асосида кейинчалик номзодларнинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига топшириш учун Мудофаа ишлари бошқармаси вакилига берилади.

49. Тест синовларини ўтказиш санаси, жойи ва вақтини Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда белгилайди.

50. Тест топшириқлари умумий ўрта таълим фанларининг (5–9-синфлар кесимида) давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилади.

51. Тест синовлари натижасидан норози бўлган номзод унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар (васийлар) тест синовлари натижаси эълон қилингандан кейин икки иш куни давомида тест синови ўтказилган Давлат тест марказининг ҳудудий бошқармаларида ташкил этилган апелляция комиссиясига ёзма равишда тест натижалари бўйича апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг шикояти қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

52. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ дастлабки ва ҳарбий-касбий танловдан муваффақиятли ўтган куйидаги номзодлар лицейга тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга қабул қилинади:

халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиблари – белгиланган қабул квотаси доирасида;

ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш (шикастланиш) натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари – квотадан ташқари;

етим, ота-она қаровисиз қолган, давлат ва жамият ёрдамига муҳтоҷ бўлган, жорий йилда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳудудий идоралараро комиссия тавсияси ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати раҳбариятининг қарорлари асосида – квотадан ташқари белгиланган квотанинг 5 фоизидан кўп бўлмаган микдорда.

53. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги раҳбарлигига ўтказилаётган республика ва халқаро спорт мусобақаларининг ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан лицейга кириш учун ўтказилаётган тест синовларида улар тўплаган балларнинг 20 фоизи микдоридаги қўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади.

5-боб. Лицейга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби

54. Номзодларни лицей ўқувчилари сафига қабул қилиш Давлат тест маркази томонидан ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг 52-бандида кўрсатилган имтиёзларга эга бўлган номзодлар дастлабки ва ҳарбий-касбий танлаш натижаларига асосан ўқишга қабул қилинади.

55. Дастлабки ва ҳарбий-касбий танлашдан ўтган номзодлар сони белгиланган қабул квоталаридан кам бўлган тақдирда, тест синовлари ўтказилмайди ҳамда номзодлар дастлабки ва ҳарбий-касбий танлаш натижаларига асосан қабул қилинади.

56. Бир нечта номзодларнинг ўтиш рейтинг баллари teng бўлган ҳолларда, улар орасидан биринчи блок фанидан тест натижалари юқори бўлган номзод қабул қилинади, шунда ҳам баҳолар teng бўлиб қолган

тақдирда, умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномадаги математика, физика, она-тили ва адабиёт фанларидан олган якуний баҳолари йиғиндиси бошқаларнидан юқори бўлган номзод ўқишга қабул қилинади.

57. Тест натижалари тақдим этилгандан сўнг лицейнинг қабул комиссияси номзодлар рўйхатини тузади ҳамда баённомани расмийлаштиради. Мазкур ҳужжатлар қабул комиссияси раиси ва аъзолари томонидан имзоланиб, лицейнинг муҳри билан тасдиқланади.

58. Қабул комиссиясининг баённомаси номзодларни лицейга ўқувчилар сафига қабул қилиш тўғрисида лицей директорининг буйругини чиқариш учун асос бўлади.

59. Лицейга ўқишга қабул қилинадиган шахслар ўқувчи деб аталади, уларга белгиланган намунадаги ўқувчи билети ва рейтинг дафтарчаси берилади.

60. Лицейнинг ташкилий-штат тузилмасига мувофиқ ўкув курслари бўйича академик гуруҳлар взводларга бирлашади.

Алгебра, геометрия, физика, хорижий тиллар, информатика, рус тили, она тили ва адабиёт фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш вақтида ўқувчилар гуруҳи иккита кичик гуруҳларга бўлинади.

61. Лицейни тамомлагандан кейин битиравчиларга белгиланган намунадаги диплом ва кўкрак нишони берилади.

Лицейни тамомлаганлик тўғрисидаги кўкрак нишонининг ягона намунаси Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қарори билан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Кўкрак нишони китель кўкрак қисмининг ўнг томонига тақилади.

6-боб. Лицей ўқувчиларни ўқишдан четлатиш тартиби

62. Ўқувчилар лицейдан қуидагилар асосларга кўра четлатилади:

соғлиғи туфайли (тиббий комиссия хулосаси асосида);

ўқувчининг аризасига мувофиқ, ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ташаббусига кўра;

академик ўзлаштиришдан ортда қолиш, бир семестр мобайнида икки ҳафта давомида (72 ва ундан кўп соат) узрли сабабларсиз машғулотларда қатнашмаслик;

ўқув йили якунида 3 та фанни яхши ўзлаштира олмаган ҳолда, қайта имтиҳон топширишда ҳам ўта олмаган тақдирда;

лицей уставида белгиланган ички тартиб қоидаларини қўпол равища бузиш;

суднинг қарорига кўра жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши; вафот этганлиги муносабати билан.

63. Ўқувчилар лицейдан лицей илмий-педагогик кенгашининг қарорига мувофиқ директорнинг буйруги билан четлатилади.

Ўқишдан четлатилган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар йиғмажилди лицей илмий-педагогик кенгашининг қарори қабул қилингандан сўнг лицей директорининг буйруги билан имзоланган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда унинг бошқа умумтаълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими

муассасаларида таълим олишни давом эттиришини ташкил этиш учун яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шахар) комиссияларига юборилади.

64. Шахсий хужжатлар йиғмажилди (бошқа хужжатлари билан биргаликда) тегишли таълим муассасаси раҳбарининг таълимга жалб қилиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилингани ҳакида хабарнома олингандан сўнг далолатнома асосида ота-онасининг иштирокида унга қайтариб берилади.

65. Ўқишидан четлатилган ўқувчиларни тиклаш ва бошқа таълим муассасаларидан лицейга ўтказиш тақиқланади.

66. Ўқувчиларни лицейдан четлатишдан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда юқори турувчи давлат органларига мурожаат қилиш хуқуқига эгадирлар.

7-боб. Раҳбар ва педагог кадрлар, лицейни бошқариш

67. Раҳбар ва педагог кадрлар ҳамда контракт бўйича ҳарбий хизматчилар лавозимларини бутлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

68. Лицейга қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қиласи.

69. Директор лицейнинг фаолиятига раҳбарлик қиласи, ўқувчиларга сифатли таълим бериш ва уларни тарбиялаш, ўқув режаси ва дастурларининг бажарилиши, лицейнинг ўқув-услубий ва молия-хўжалик фаолияти лозим даражада амалга оширилиши учун жавоб беради. Директор ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қиласи ва ишдан озод қиласи, ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда лицей бўйича буйруқлар чиқаради.

70. Лицей директори Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган ҳолда, таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича республика ва хорижий таълим муассасалари билан халқаро меморандум ва битимлар тузиш хуқуқига эга.

71. Лицейда педагогик фаолият билан шуғулланишга тегишли маълумотга ва профессионал тайёргарликка ҳамда юксак ахлоқий сифатларга эга шахслар ҳақлидир.

72. Лицейда директор хузурида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи, коллегиал орган ҳисобланадиган Илмий-педагогик кенгаш тузилади.

Илмий-педагогик кенгашнинг вазифа ва функциялари лицей устави билан белгиланади.

8-боб. Давлат органларининг лицейни бошқариш бўйича асосий вазифалари

73. Қўйидагилар вазирлик ва идораларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

лицейга бириктирилган олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, ўқувчиларнинг олий ҳарбий, ихтисослаштирилган ва олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун сифатли тайёрлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек, бевосита иштирокини таъминлаш;

таълим дастурлари ва ўкув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш;

лицейни ҳарбий хизматга чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик учун мўлжалланган ўкув воситалари, маҳсус адабиётлар, спорт жиҳозлари, замонавий компьютер техникаси, ўкув мақсадлари учун мўлжалланган курол-аслача ва ҳарбий-техник мулкларнинг замонавий намуналари билан таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик дастурига мувофиқ ўкув ва кўргазмали қўлланмалар билан таъминлаш;

лицей ўқувчилари билан ҳарбий ва ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг дала ўкув майдонлари базаларида чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик амалий машғулотларини ўтказиш;

лицей ўқувчиларининг олий ҳарбий таълим муассасаларига, ҳарбий қисмлар ва муассасаларга ташрифларини ташкил этиш;

лицей ҳарбий хизматчиларини олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг малака ошириш факультетларида ҳамда Қуролли Кучлар Академиясида (Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи кадрлари малакасини ошириш маркази)да малака оширишини ташкил қилиш;

ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялашни таъминлайдиган комплекс маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ўтказиш;

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда лицейга муносиб номзодларни танлаб олиш учун умумтаълим мактаблари 5-6 синф ўқувчиларининг билими, жисмоний қобилияtlари ва шахсий сифатларини доимий равища ўрганиш ва улар бўйича ягона маълумотлар базасини тузиш ҳамда умумтаълим мактабларида лицейнинг фаолияти, қабул шартлари ва тақдим қилинаётган имтиёзлар тўғрисида ўқувчиларни хабардор қилиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равища олиб бориш.

74. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

вазирлик ва идоралар томонидан давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган лицейнинг ўкув режалари ва дастурларини келишиш;

соҳадаги олий таълим муассасалари негизида ва малака ошириш муассасаларида лицей педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўкув жараёнини ташкил этиш учун лицейни барча зарур расмий хужжатлар ҳамда ўкув муассасасини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги диплом ва сертификатлар билан таъминлаш;

лицейни зарур ўкув ва илмий адабиётлар билан таъминлаш.

75. Қуйидаги масалаларда қўмаклашиш лицейга биритирилган олий ҳарбий, ихтисослаштирилган ва олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўкув-тарбиявий жараённи ташкил қилиш, таълим дастурлари ва ўкув жараёнига илфор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, таҳсил олаётган ёшларни олий таълим муассасасига қадар касбга йўналтириш ва педагог кадрлар малакасини оширишни самарали ташкил этиш;

ўкувчиларнинг билим даражаси ва интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш, уларни аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришга тайёрлаш;

миллий ва хорижий таълим муассасаларининг илфор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг замонавий методларини жорий этиш, шунингдек, унинг мазмунини доимий равища янгилаш;

юқори билим даражаси, интеллектуал салоҳият ва профессионал маҳоратга ҳамда қоида тариқасида камида 5 йил узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлган ўқитувчиларни лицейда ишлаш учун танлаб олиш.

9-боб. Лицейнинг молиявий ва моддий-техник таъминоти

76. Лицей фаолияти қўйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ҳарбий-маъмурий секторларнинг маблағлари;

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

77. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари, тегишли ҳарбий-маъмурий секторларнинг маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан шакллантириладиган Лицей ишчи ва ходимлари меҳнатига ҳак тўлаш фондининг 15 фоизи миқдоридаги директор фонди ташкил этилади.

Ушбу фонднинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан мустақил белгиланади.

Лицей директори фондининг жорий йилда ўзлаштирилмаган молиявий маблағларини улардан кейинчалик мақсадли фойдаланиш учун келаси йилга ўтказишга рухсат этилади.

78. Лицей белгиланган тартибда ўз ишининг натижаларини оператив ва бухгалтерия ҳисоб-китобларини амалга оширади, статистик ва бухгалтерлик ҳисобини юритади.

Лицейда хўжалик ва молия интизомига риоя этилиши ваколатли давлат органи томонидан назорат қилинади.

10-боб. Якунловчи қоида

79. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “II” августдаги 473-сон қарорига
3-илова

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи фаолиятини ташкил қилиш ва уларнинг
ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Лицей фаолиятини тартибга солувчи ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар				
1.	Ўтказиладиган тадбирларнинг мақсади ва вазифаларини етказиш, “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейини (кейинги ўринларда – лицей) фаолиятини ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳ мажлисини ўтказиш ҳамда иш тартибини белгилаш.	Идораларо ва идоравий ички йиғилишларни ўтказиш, йиғилиш баённомаларини тайёрлаш	2020 йил 10 сентябрь	Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)
2.	“Ёш чегарачилар” лицей ўқувчиларининг озиқ-овқат ва ҳарбий кийим таъминоти, кийимининг ягона намуналари, тақдирлаш нишонлари ва уларни тақиши тартиби, шунингдек, лицейни тутгатганлиги тўғрисидаги кўкрак нишони ва дипломи намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Идоравий норматив-хуқуқий хужжат	2020 йил 1 декабрь	Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)
II. Лицей инфратузилмаси ва моддий-техник базасини такомиллаштириш				
3.	Лицей инфратузилмасини такомиллаштириш, тадбирларни молиялаштириш манбалари ва тегишли ҳисоботларни тайёрлаш юзасидан зарур чораларни белгилаш.	Курилиш ишлари баённомалари, техник-иктисодий ҳисоботлар	2020 йил 10 сентябрь	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
4.	Лицей обьектининг инфратузилмаси, ўқув ва моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича ҳамда лицейда: компьютер, машқ қилиш (<i>тренажёр</i>) синфлари ҳамда масофадан ўқитиш учун синфлар ва электрон ахборот-ресурс марказларини яратиш; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, интерактив виртуал стендлар ва лабораториялар кўринишида дастурий-педагогик таълим олиш воситаларини жорий қилиш; ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги ва спорт ютуклари	Чора-тадбирлар режаси	2021 йил 1 март	Ахборот коммуникациялари ва технологияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)

	<p>даражасини ошириш учун тегишли шароитларни яратиш; ўкув жараёнининг ягона автоматлаштирилган ички мониторинги тизимини жорий қилиш ва назоратини ташкил этиш;</p> <p>педагоглар таркибини ва ўкувчиларни таълим фанлари бўйича ўкув материаллари билан таъминлаш ва мустақил ишларни ташкил этиш учун ягона электрон ахборот-ресурс базасини яратишни кўзда тутувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши.</p>			
III. Ўкув-услубий база ва ўкув жараёнини тақомиллаштириш				
5.	<p>Принципial янги самарали ўкув режалари ва дастурлари, тематик режалар, ўкув-услубий ресурсларни ишлаб чиқиши, шунингдек, замонавий таълим бериш шакли ва услубларини кўллаш.</p> <p>Республикамизнинг олий ҳарбий таълим муассасалари, маҳсус ва бошқа олий таълим муассасаларига кириш учун зарур бўлган алоҳида фанлар бўйича (<i>математика, физика, кимё, она тили ва адабиёт, тарих ва хорижий тиллар</i>) чукурлаштирилган тарзда таълим берилиши учун шароит яратиш.</p>	Чора-тадбирлар режаси	2021 йил 1 апрель	Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>)
6.	<p>Лицей ўкувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш (енгил ва юқ автомобилларини бошқариш), ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган тегишли хужжатларни бериш масаласини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга ошириш ва ўкув гурухларини Ички ишлар вазирлиги рўйхатидан ўтказиши.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 1 сентябрь	Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобоҷонов</i>), Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>)
7.	<p>Лицей ўкувчилари томонидан мунтазам равишда бадий ва илмий-оммабоп адабиётларни ўқиши тизимини ишлаб чиқиши ва жорий қилиш, шунингдек, ўкувчиларда мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва бошқа санъат турларига қизиқиши ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	Тегишли идоравий хужжат	2021 йил сентябрь	Маданият вазирлиги (<i>О.Назарбеков</i>), Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>)
8.	<p>Лицейни ўкув мақсадлари учун мўлжалланган зарур ўкув, илмий ва маҳсус адабиётлар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий-техник мулк намуналари билан таъминлаш.</p>	Вазирлик ва идораларнинг тасдиқланган иш режалари	Иш режада белгиланган муддатларда	Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>), Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар

9.	Республиканинг олий ҳарбий, махсус ва бошқа таълим муассасаларига кириш учун зарур фанлар бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун факультатив машғулотлар ва тўгарак ишларини ташкил этиш.			Академияси (Х.Қаршиев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)
----	--	--	--	--

IV. Ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-маърифий тарбия жарайёнини такомиллаштириш

10.	Ўзбекистон Республикаси Президентига, халқига содик бўлган, Ватанга хизмат қилишга тайёр турган ақл-заковатли номзодларни республикамизнинг олий ҳарбий, махсус ва бошқа таълим муассасаларига киришини таъминлаш мақсадида “Маънавият асослари” дарси бўйича ўқув дастури, режалари ва ўқув-услубий мажмуаларини такомиллаштириш.	Янги ўқув дастури, ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-маърифий тарбия бўйича режалари ва ўқув-услубий комплекслари	2021 йил 1 апрель	Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар Академияси (Х.Қаршиев) Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожсиматов)
11.	Ўқувчиларнинг маънавий-маърифий ривожланишини таъминлаш учун китобларни ўқиш, кинотеатр, театр ва музейларга бориш, маданият ва спорт вакиллари билан учрашувларни ташкил этиш, шунингдек, ўзбек халқининг тарихи, анъаналари ва бойликларини фаол ўрганиши учун зарур шароитларни яратиш.	Алоҳида режа асосида	Мунтазам равиша	Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ўзбекистон ЁИМК (А.Саъдуллаев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожсиматов)
12.	Ўқувчиларда ахлоқий-психологик барқарорлик ва касбий вазифаларни бажаришга шай туришни шакллантириш мақсадида уларни психологик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш.	Жойларда ўқувчиларга психологик ёрдамни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури		Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов)

V. Раҳбар ва педагоглар таркиби тайёргарлигини ва малакасини ошириш

13.	Лицей раҳбар ва педагоглар таркибининг шахсий ва касбий сифатларини комплекс баҳолаш мезонларини аниқлани ва ишлаб чиқиши.	Раҳбар ва педагог таркибнинг шахсий ва касбий сифатларини комплекс баҳолаш мезонлари	2021 йил 1 август	Идоралараро ишчи гурух
14.	Эгаллаб турган лавозимига мувофиқлигини объектив баҳолаш мақсадида раҳбар ва педагоглар таркибининг шахсий ва касбий сифатларини ўрганиш, замон талабларига жавоб берувчи малакали кадрлар билан лицейни бутлаш ва уларнинг алмашинувини ўтказиш.	Вазирлик ва идораларнинг шахсий таркиб бўйича тегишли карорлари	2021 йил 1 августга	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)

15.	Олий таълим муассасалари ва хорижий олий таълим муассасалари базаларининг тегишли ҳудудий (соҳа) марказларида раҳбар ва педагоглар таркибининг таълим олиши ҳамда малака оширишини ташкиллаштириш.	Лицей раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш режаси	Алоҳида режа асосида	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>)
16.	Республика ва хорижий олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган конференцияларда раҳбар ва педагоглар таркибининг иштирокини таъминлаш, шунингдек, улар учун АҚТ ўрганиш бўйича интенсив курслар ва хорижий тилларни ўрганишини ташкил этиш.	Вазирлик ва идораларнинг алоҳида режалари бўйича	Алоҳида режа асосида	Тегишли вазирлик ва идоралар
17.	Илғор педагогик тажрибани оммалаштириш мақсадида ўқув-методик семинарлар, тренинглар, маҳорат дарслари, давра сухбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.			
18.	Машғулотларни, шу билан бир қаторда, таълим беришнинг инновацион усуллари бўйича ўқув жараёнига юкори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилишининг самарали механизмини татбиқ этиш.			

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “Г” августдаги 473 -сон қарорига
4-илова

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейининг инфратузилмаси,
ўқув ва моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи (Термиз шаҳри)				
<i>Бино ва инишоотлар қурилиши ҳамда уларни муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш, атроф-худудни ободонлаштириши</i>				
1.	Маъмурий бино ва 250 ўринга мўлжалланган клуб.			
2.	210 ўринга мўлжалланган ошхона, автомобилларни сақлаш жойлари.			
3.	Спорт зали биноси.			
4.	Назорат ўтиш жойи ҳамда ота-оналар билан учрашув хонаси (замонавий жиҳозлар ва турникет билан таъминлаши).	2021 йил августга қадар	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳарбий-маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
5.	Комплекс спорт майдончаси. (футбол майдончаси, волейбол, баскетбол, теннис майдончалари ва югуриши ўлаклари).			
6.	Тўсиқли югуриш мажмуаси (тоз тайёргарлиги шаҳарчаси, психологик ва ҳарбий тайёргарлик).			
7.	Ўқув-машқ майдончалари (хизмат ҳайвонлари, ўқотии ва ўқув автомашиналарини бошқарши учун).			
8.	Давлат чегараси акс эттирилган ўқув-муҳандислик шаҳарчаси.	2021 йил августга қадар	Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари (С.Хусанов)
9.	“Мардлик ва мангулик” (Мард ўғлонлар номи барҳаёт) номли тарғибот майдончаси.			
10.	Ер ости ичимлик суви билан таъминлаш ва умумий ер майдонларини суғориш учун кўтарма насос ва суғориш тизимини ўрнатиш, худудда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш.	2021 йил августга қадар	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
11.	Қозонхона биносини қуриш.			

Мавжуд бино ва инишотлари реконструкция қилиши

12.	210 нафар ўкувчига мўлжалланган ўкув корпуси, фаоллар зали, ётоқхона ва кир-ювиш комбинати.	2021 йил августга қадар	Махаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
13.	Электрон ахборот-ресурс маркази, кутубхона, ихтисослаштирилган синфлар, тиббий пункт хоналарини ажратиш ва жиҳозлаш.	2021 йил августга қадар	Махаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги (И.Маджидов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
14.	“Йўл ҳаракати коидалари”, “Хайдовчилик асослари” ва “Автомобиллар тузилиши ва уларнинг ишлатилиши” фанларидан назарий машғулотлар ўтказиш синф хоналари.	2021 йил августга қадар	Махаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
15.	Саф майдони ва минбар (<i>флагшток</i>).	2021 йил августга қадар	Махаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
16.	Мавжуд биноларни демонтаж қилиши.	2021 йил августга қадар	Махаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)

Моддий-техник базани замон талаблари асосида ривожлантириши				
17.	Оптик толали алоқа линясини ташкил қилиш ва замонавий хизматлар билан таъминлаш.			Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
18.	Замонавий автомобиль ва маҳсус техникалар, ускуна ва агрегатлар ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш. Жумладан, “Нексия-3” русумли енгил автомашина - 1 та; “Дамас” русумли автомашина - 1 та; автобуслар - 2 та; юқ автомобили - 1 та.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), “O’zavtosanoat” АК (Ш.Умурзаков), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
19.	Сервер, компьютер ва ўқув синф хоналарини, шунингдек, масофавий ўқитиш хоналарини ажратиш ва жиҳозлаш.	2021 йил августга қадар	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги (И.Маджидов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
20.	Сервер ва тармоқ ускуналари, узлуксиз қувват манбаи, автоматик телефон станцияси, совитиш тизими ва бошқа техник восита ва ускуналар билан таъминлаш.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
21.	Панорамали ўқ отиши тренажёри.			

22.	Енгил автотранспорт воситасини ҳайдаш учун 1 та тренажёр.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (<i>Т.Боболов</i>), Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>), Транспорт вазирлиги (<i>И.Махкамов</i>), “O’zavtosanoat” АК (<i>Ш.Умурзаков</i>)
23.	Юқ автотранспорт воситасини ҳайдаш учун 1 та тренажёр.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (<i>Т.Боболов</i>) Транспорт вазирлиги (<i>И.Махкамов</i>), Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>), “O’zavtosanoat” АК (<i>Ш.Умурзаков</i>),
24.	Ахборот-коммуникация технологиялари синфини ва чет тили синфларини 50 та шахсий компьютер тўплами билан жиҳозлаш.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (<i>Т.Боболов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Садиков</i>),
25.	Масофавий таълим учун синф хонасини тегишли компьютерлар, экран, видеокамера, микрофонлар, аудио мосламалар ва видеоконференц алоқа тизими билан жиҳозлаш.			Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>)
26.	25 ўринли “Электрон кутубхона” дастурий-техник мажмуаси.	2021 йил августга қадар	Маҳаллий бюджет маблағлари, харбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (<i>Т.Боболов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Маданият вазирлиги (<i>О.Назарбеков</i>), Давлат хавфсизлик хизмати (<i>А.Азизов</i>)
27.	Клуб ва унинг сахнасини театр, концерт томошалари учун зарур реквизитлар билан жиҳозлаш (<i>мусиқа ва бошқа жиҳозлари билан</i>).			

28.	Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан дастурый таъминот ва ўқув воситаларини интерфаол виртуал стендлар ва лабораториялар шаклида жорий этиш.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги <i>(Т.Боболов),</i> Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги <i>(Ш.Садиков),</i> Давлат хавфсизлик хизмати <i>(А.Азизов)</i>
29.	Физика ва кимё фанлари бўйича лаборатория хоналарини ташкил этиш, шунингдек, уларни тегишли асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги <i>(Т.Боболов),</i> Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Давлат хавфсизлик хизмати <i>(А.Азизов)</i>
30.	Спорт ва тренажёр залларини спорт инвентарлари, жиҳозлар (<i>универсал тренажёр</i>) ва мебеллар билан жиҳозлаш.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги <i>(Т.Боболов),</i> Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (<i>Д.Набиев</i>), Давлат хавфсизлик хизмати <i>(А.Азизов)</i>
31.	Ўқув жараёнининг ягона автоматлаштирилган ички мониторинг тизими ва ўқув жараёнини назорат қилишни жорий қилиш.	2021 йил августга қадар	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги <i>(Т.Боболов),</i> Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги <i>(Ш.Садиков),</i> Давлат хавфсизлик хизмати <i>(А.Азизов)</i>
32.	Ҳар бир ўқув хонаси, лаборатория, спорт ва тренажёр залларини видео ва аудио кузатув тизими билан жиҳозлаш.			

33.	Харбий-академик лицейни “Kundalik.uz” веб-сайтига улаш.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
34.	Педагоглар таркибини ва ўқувчиларни таълим фанлари бўйича ўкув материаллари билан таъминлаш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил этиш учун ягона электрон ахборот-ресурс базасини яратиш.			
35.	Хар бир ўқитувчини шахсий компьютерлар билан таъминлаш.			
36.	Бадиий, илмий-оммабоп ва ўкув-услубий адабиётлар билан таъминлаш.			Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)
37.	Ўкув, ишлаб чиқариш устахоналарини замонавий дастгоҳлар ва ускуналар билан жиҳозлаш.			
38.	Ўкув мажмуасини (комплексини) мебеллар, жиҳозлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш.			
39.	Лицей худудини замонавий видеокузатув тизими билан жиҳозлаш.	2021 йил августга қадар	Маҳаллий бюджет маблағлари, ҳарбий маъмурий сектор ва Давлат хавфсизлик хизматининг бюджетдан ташкари маблағлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.Боболов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов)

**Изоҳ. Якуний қиймат лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва ўтказиладиган тендер (конкурс) савдолари натижаларига кўра аниқланади.
Молиявий харажатларнинг якуний суммаси белгиланган тартибда тендер (конкурс) савдолари ўтказилгандан кейин аниқлаштирилади.**

